Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 27 май, № 110 (7890) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИ ЯХШИЛАНДИ

Кеча Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг навбатдаги йиғилиши видеоконференцалоқа тизими орқали ўтказилди.

Унда республика кенгаши аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари раислари иштирок этди.

Республика кенгаши йиғилиши

Олий Мажлис Сенати Раиси, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши раиси Танзила Норбоева олиб борган йиғилишда ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича 2021 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасининг биринчи чорақдаги ижроси муҳокама қилинди.

Йиғилишда ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий соҳадаги бир қатор халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрни яхшилангани таъкидланди.

Хусусан, Жаҳон банкининг "Статистик салоҳият индекси"да Ўзбекистон 2020 йилда 2019 йилдагига нисбатан 16 поғонага кўтарилиб, 146 та мамлакат орасида 61-ўринни эгаллаган бўлса, "Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси"да мамлакатимизнинг ўрни 2020 йилда 2 поғонага юқорилаб, 167 та мамлакат ичида 155-ўринни банд этган. "Глобал инновациялар индекси"да Ўзбекистон жами 100 баллдан 24,54 балл билан 2015 йилдагига нисбатан ўз ўрнини 29 поғонага яхшилаб, 131 та мамлакат орасида 93-ўринни, Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари орасида эса 4-ўринни қўлга киритган.

Жаҳон банкининг "Аёллар, бизнес ва қонун индекси"да Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳамда гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислоҳотларни амалга оширган 27 та давлат қаторига киритилиб, 70,6 балл билан 5 поғонага юқорилади ва 190 та давлат орасидан 134-ўринни (2019 йили — 139-ўрин) эгаллаган.

Шу билан бирга, йиғилишда халқаро рейтинглар ва индексларнинг таркибий индикаторларида мамлакатимиз ўрнини янада яхшилаш мақсадида жорий йилда амалга оширилиши мўлжалланган чора-тадбирлар режасига қўшимчалар киритишга қаратилган "Йўл харитаси" ҳамда қўшимча чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилгани ва тасдиқлангани айтиб ўтилди.

Йиғилишда халқаро рейтинг ва индекслар бўйича самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичларига (KPI) эришиш учун бажарилган чора-тадбирлар тўғрисида кенгаш аъзолари — инновацион ривожланиш вазири И. Абдураҳмонов ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Д. Саиджоновнинг ахборотлари эшитилди.

Якунда республика кенгаши аъзолари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифларни инобатга олиб, кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди ва келгусида амалга оширилиадиган ишлар белгилаб олинди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

«Сайлов — 2021»

ЭКСПЕРТЛАР ВА ЖУРНАЛИСТЛАР МУЛОҚОТИ

Кеча пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИҲБ) Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси (ЭБМ) мутахассисларининг маҳаллий оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ҳамда вакиллари, блогерлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда ЕХҲТ ДИИҲБ сайловлар бўйича катта маслаҳатчиси Алексей Громов ҳамда ЭБМ эксперти Мартина Баркер-Циганикова Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, хусусан, мамлакатимизда жорий йил октябрь ойида бўладиган Президент сайловви билан боғлиқ кенг кўламли ишларга тўхталиб ўтди.

Мамлакатимизда сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш борасида етарлича тажриба орттирилгани, қолаверса, миллий қонунчилик асослари халқаро принципларга мос ҳолатда такомиллашиб бораётгани эътироф этилди.

Эркин ва очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда ушбу муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик жараёнларининг бориши, шунингдек, сайловларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, профессионал ҳамда янгича ёндашув, гендер тенглиги каби долзарб масалалар муҳокама марказида бўлди.

Бундан ташқари, Президент сайлови билан боғлиқ тадбирларни ёритишда журналистлар, шу жумладан, электрон оммавий ахборот воситалари ҳамда блогерларнинг ўрни, халқаро кузатувчиларнинг таклиф ва тавсиялари, мавзуга оид бошқа масалалар хусусида фикрлашилди.

Мулоқотда бўлажак сиёсий тадбирни миллий қонунчилик асосида оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш юзасидан таклифлар ўртага ташланди. Хусусан, мавзу бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун семинар-тренинглар ташкил қилишни жадаллаштириш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Сенат қўмиталарида

ЯЛПИ МАЖЛИСГА КИРИТИЛГАН МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси жорий йилнинг 28-29 май кунлари бўлиб ўтади. Унда бир қатор қонунлар ҳамда бошқа долзарб масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган бўлиб, айни пайтда улар парламент юқори палатаси қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилинмоқда.

Қонун автомобиль, темир йўл, авиация, сув транспорти фаолиятини мувофиқлаштиради

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси йиғилишида "Транспорт тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда транспорт тизимини тартибга солиш мақсадида "Автомобиль транспорти тўғрисида"ги, "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги қонунлар ва Ҳаво кодекси қабул қилинган. Натижада транспорт тизимининг автомобиль, темир йўл, авиация ҳамда сув транспорти тармоқлари бир-биридан алоҳида бўлиб, улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус қонун мавжуд эмас эди.

Кўриб чиқилган қонун эса соҳадаги бу каби камчиликларни бартараф этади. Ташиш шартномаси ва мажбуриятлари бўйича юзага келадиган жавобгарликни таъминлаш каби иқтисодий масалаларни ҳал қилиш орқали тижорат транспорти фаолиятини ривожлантириш ҳам бу ҳужжатнинг асосий мақсадларидан биридир.

Йиғилишда, шунингдек, "Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида"ги қонун муҳокамалар марказида бўлди.

Қонун, аввало, мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар муомаласи борасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Бу "хуфиёна иқтисодиёт"нинг олдини олишда муҳим ўрин тутади. Қолаверса, мазкур ҳужжат заргарлик буюмлари асиллик даражасини белгилаш ҳамда тамғалаш тизимини, уларнинг сифатини назорат қилиш тартиб-таомилларини давлат-хусусий шериклик механизмини қўллаган ҳолда такомиллаштиришда ҳам айни муддаодир.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йил якунлари ҳамда 2021 йилнинг биринчи чораги якунлари ижроси ҳам кўриб чиқилди.

2

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси 2021 йил 28 май куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида видеоконференцалоқа тарзида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис 28-29 май кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ – МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг "Ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқий мақоми ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш чора-тадбирлари" ижроси юзасидан ахбороти эшитилди.

Парламент назорати

Маълумотларга кўра, бугунги кунда 1,7 миллион юртдошимиз чет элда, асосан, Россия ва Қозоғистонда меҳнат қилмоқда. Мамлакат аҳолисининг 55 фоиздан ортиғи ёшлардан иборатлиги ҳамда йилига меҳнат бозорига 600 мингга яқин ишчи кучлари кириб келаётгани мазкур муаммонинг нақадар муҳимлигидан далолат беради. Жорий йилнинг 21 май куни Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг йиғилишида мигрантлар масаласига алоҳида урғу берилгани, шу куннинг ўзида Россияда "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Россия Федерациясидаги ҳуқуқлари: меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари" мавзуида ўтказилган Ўзбекистон — Россия форуми ҳам миграция масаласининг минтақадаги аҳамиятини белгилаб берди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимиз ЕОИИга аъзо давлатлар орасида меҳнат ресурслари бўйича Россиядан кейинги ўринда туради. Россияда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган хорижий фуқаролар сони бўйича эса Ўзбекистон етакчи мамлакат ҳисобланади.

Бугунги кунда ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш мақсадида ўндан ортиқ Фармон ва қарорлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бундан ташқари, 2021 йил 30 апрель куни Ўзбекистон ҳукумати билан Евроосиё иқтисодий комиссияси ўртасида Ҳамкорлик меморандуми ҳамда Чора-тадбирлар режаси имзоланган. Мазкур ҳужжатлар меҳнат қилувчиларнинг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳаларида ўзаро манфаатли алоқаларни кўзда тутади.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги мигрантларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида ваколатли давлат органи ҳисобланади. Агентлик томонидан ушбу йўналишда бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

2

ЭҲТИЁЖЛАРНИ БАҲОЛАШ МИССИЯСИ МУТАХАССИСЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИҲБ) сайловлар бўйича катта маслаҳатчиси А. Громов бошчилигидаги Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси экспертлари билан учрашди.

Мулоқот аввалида меҳмонларга қуйи палатанинг фаолияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва ЕХҲТ ДИИҲБ ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

А. Громов тақдим этилган маълумотлар учун миннатдорлик билдириб, ташрифдан кўзланган асосий мақсад кутилаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш эканлигини таъкидлади.

2

Фестиваль

НАМАНГАН МАФТУНКОР БАЙРАМ ОҒУШИДА

Гуллар сайли узоқ тарихга эга, исми жисмига монанд ўзига хос байрамлардан. Наманганга хос бўлган гул сайли эндиликда халқаро мақом касб этиб, кейинги пайтларда унга нафақат мамлакатимиз, балки қўшни Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Туркманистондан, ҳатто олис хориж — Корея Республикаси, Туркия, Нидерландия, Эрон каби давлатлардан ҳам меҳмонлар ташриф буюрмоқда.

Тантанали суръатда очилган халқаро фестиваль айни пайтда вилоят аҳли ва меҳмонларга унутилмас лаҳзаларни ҳадя этмоқда.

Маълумотларга кўра, фестивалга кунига 100 минг нафаргача одам ташриф буюряпти. Иштирокчилар юртимизда миллий қадриятларимизга алоҳида аҳамият қаратилаётгани хусусида тўхталиб, йилдан-йилга тароват касб этаётган гул байрами Наманганнинг ўзига хос брендига айланганлигини таъкидламоқда. Шунинг баробарида, гуллар орқали инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини, оқибатини мустаҳкамлаш, ёшларнинг гўзалликка иштиёқи, таълим-тарбиясини ошириш асосий вазифа эканлигини айтишяпти.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2021 йил 27 май

ОРОЛ МУАММОСИ ТЕГРАСИДА БУТУН ДУНЁ БИРЛАШАДИ

Ёдингизда бўлса, Президентимиз 2020 йил 23 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида глобал иқлим ўзгаришлари ҳамда Оролбўйидаги вазиятга алоҳида тўхталиб, минтақани экологик инновация ва технологиялар ҳудудига айлантириш таклифини илгари сурган эди.

Муносабат

Бош Ассамблеянинг яқинда бўлиб ўтган 75-сессиясининг ялпи мажлисида ушбу таклиф барча аъзо давлатлар томонидан бир овоздан маъқулланди ҳамда алоҳида резолюция қабул қилиндики, бу ҳам давлатимиз раҳбарининг таклифи нечоғли долзарб эканлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, Орол муаммосига ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб барча халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ томонидан доимий эътибор қаратиб келинмоқда. "Аср фожиаси" деб тан олиниб, турли фондларнинг маблағлари ҳисобига экологик, ижтимоий ва иқтисодий лойиҳалар амалга оширилаётир. Аммо тан олиш керакки, Шавкат Мирзиёев президентлик ваколатига киришгач, бу борадаги саъй-ҳаракатлар бутунлай янги босқичга кўтарилди. Қабул қилинган резолюция бунинг яна бир далили бўлди. Эндиликда дунё ҳамжамиятининг Орол муаммосини ҳал этишга қаратилган интилишлари янада кучаяди. Бошқача айтганда, муаммо теграсида бутун дунё бирлашади.

Мазкур резолюцияда 4 та асосий йўналиш муҳимлигини алоҳида қайд этиш зарур:

- Оролбўйидаги экологик, ижтимоий, иқтисодий ва демографик вазиятни яхшилашга қаратилган минтақавий тадбирлар ҳамда ташаббуслар кенг қўллаб-қувватланади;
- табиатни тиклаш ва яхшилаш, аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш мақсадида минтақада илмий тадқиқот маслаҳатлашув фаолияти изчиллик билан рағбатлантирилади;
- инқироз оқибатини бартараф этиш, экологик, ижтимоий-иқтисодий вазиятни юмшатиш бўйича биргаликдаги тадбирларни амалга ошириш йўлидаги минтақавий ҳамкорлик фаоллашади;
- БМТ тизимидаги жамғармалар, дастурлар ва тузилмалар, халқаро молия институтлари ҳамда бошқа манфаатдор томонлар 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадлари кун тартибига мувофиқ, минтақада фанлараро тадқиқотлар ўтказиш ва илмий-инновациявий ҳамкорликни амалга ошириш, экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишни рағбатлантиради.



Шу саъй-ҳаракат натижасида ҳудудга юқори технологик инновациялар, экологик тоза, энергия ва сувни тежовчи технологияларни жорий қилишга инвестиция жалб этиш, "яшил иқтисодиёт" тамойилларини мажмуавий қўллаш каби кенг қамровли масалаларга эътибор берилиб, асосий экологик хавфли омилларни бартараф қилиш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга замин яратилади.

Давлатимиз раҳбарининг таклифи дунё миқёсида қўллаб-қувватланиши йирик сиёсий ютуқ бўлиши баробарида, бу юртимизнинг жаҳон майдонидаги имижини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.

ЭҲТИЁЖЛАРНИ БАҲОЛАШ МИССИЯСИ МУТАХАССИСЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

1

Мулоқотда Ўзбекистон Сайлов кодексини ишлаб чиқишда ЕХҲТ ДИИҲБ ва Венеция комиссиясининг тавсия ҳамда таклифлари қабул қилинганлиги, Ўзбекистон сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича муҳим қадамлар ташланаётганлиги айтилди.

Учрашув давомида жамоат ташкилотлари вакилларига сайловларни кузатиш ҳуқуқини бериш, судларнинг шикоятларни кўриб чиқиши тўғрисидаги Кодекс қоидалари, фуқароларнинг шикоятлари кўрилишида суд ҳокимиятининг роли, сайлов комиссиялари қарорларининг судлар томонидан кўрилиши каби масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Шу билан бирга, Ўзбекистон томони экспертларни қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоб берди.

Тадбир якунида томонлар учрашувдан мамнун эканликларини билдириб, самарали ва конструктив ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ЯЛПИ МАЖЛИСГА КИРИТИЛГАН МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

1

Янги ҳужжатдан сайловга доир қандай янгиликлар ўрин олган?

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун сенаторлар томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, амалдаги сайлов тўғрисидаги қонунчилик таҳлиллари сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш ва сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш борасида айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Мазкур қонундан қуйидаги янгиликлар ўрин олган:

- юқори турувчи сайлов комиссиялари ваколатларидан қуйи турувчи сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш чиқариб ташланмоқда;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва ўн бир — ўн саккиз нафар комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилиши белгиланмоқда;
- сайлов бюллетенида номзоднинг эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), иш жойи кўрсатилиши ҳақидаги норма чиқарилаётир;
- сайловларда сиёсий партия ёки номзодларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишда фуқаролар паспорт билан бир қаторда идентификация картаси орқали ҳам шахсини тасдиқлаши мумкинлиги белгиланяпти;
- сайловчилар билан учрашувлар каби оммавий тадбирлар уларнинг ўтказилиш жойи ва вақти ҳақида туман (шаҳар) ҳокимликлари камида уч кун олдин ёзма равишда хабардор қилинган ҳолда ўтказилиши, бунда ушбу оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатнома талаб этилмаслиги белгиланмоқда.

Бу қонун қабул қилиниши миллий сайлов қонунчилигимизни умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартлари асосида янада такомиллаштиришга ва мазкур йўналишда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни халқаро ҳамжамиятга етказишга хизмат қилади.

Қўмита йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун ҳам кўрилди.

Ушбу ҳужжат 2021 йил Давлат дастури ижросига мувофиқ ишлаб чиқилган. Қонун билан "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, 2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ва муқаддам чет давлат фуқаролигига эга бўлмаган шахсларни ҳамда ўн беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаролиги бўлмаган шахс мақомида яшаб келаётган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тан олиш механизмлари яратилади.

Йиғилишда давлат хизматлари кўрсатилиши ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

ХАЛҚАРО ДАРАЖАДАГИ МУҲИМ МАЙДОНДА ЭНДИ ЎЗ ОВОЗИМИЗ БОР

Дунё аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил қилувчи ёшлар учун халқаро ташкилотларда иштирок этиш муҳим аҳамиятга эга. Айни чоғда Ўзбекистон ёшлари учун ҳам. Парламентлараро Иттифоқнинг маълумотига кўра, дунё парламентларида ёшларнинг иштироки ўртача 2 фоизни ташкил қилади. Ўзбекистонда эса мазкур кўрсаткич 6 фоизга етди.

Эътироф

Шу ўринда айтиш жоиз, Парламентлараро Иттифоқнинг Евроосиё гуруҳи томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Абдулло Аслонов Парламентлараро Иттифоқнинг Ёш парламентарийлар форуми аъзолигига қабул қилинганлиги ҳақидаги хушхабар нафақат қуйи палата ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, балки республикамиз ёшлари учун катта янгилик сифатида қабул қилинди.

Навқирон авлоднинг бундай ташкилотлардаги иштироки халқаро норма ижодкорлик жараёнида ўз манфаатини илгари суриш ва бошқа давлат ёшлари билан тажриба алмашиш имкониятини беради. Айниқса, Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилиш билан боғлиқ илгари сурган ташаббуси дунё ёшлари томонидан фаол муҳокама қилинаётган даврда, ушбу нуфузли иштирок барча ёшларни мазкур ғоя атрофида бирлаштиришда халқаро даражадаги яна бир муҳим майдон ҳисобланади.

Ёшлар парламенти аъзолари халқаро ёшлар парламентлараро ташкилотларининг фаолияти билан доимий равишда танишиб боради ва ҳозир қатор давлатларнинг Ёшлар парламентлари билан ҳамкорлик қилади. Шу кунларда Парламентлараро Иттифоқнинг "Пандемияни бугунги кунда енгиб ўтиш ва эртанги кунни яхшироқ қуриш: парламентларнинг ўрни" мавзуига бағишланган 142-ассамблеяси фаолиятини ҳам яқиндан кузатиб бормоқда.

Ўз навбатида, Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти ёш депутатнинг мазкур нуфузли халқаро ташкилотга қабул қилинганлиги муносабати билан юртимиз йигит-қизларини қутлайди. Шунингдек, Ёшлар парламенти аъзолари мазкур жараёнда ўз таклифлари ва ташаббуслари билан фаол иштирок этишга ҳамда яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдиради.

Шаҳноза ЖОЛДАСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси.

МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ – МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА

1

Жумладан, фуқароларни ташқи меҳнат бозорига мувофиқ дастлабки касбий тайёргарлик, хорижий тилларга ўқитиш, хорижга ишга жойлаштириш, ҳуқуқий маслаҳатлар, иш ҳақи ва компенсациялар ундириб бериш бўйича тизимли ишлар қилиняпти.

Ташкилий танлов асосида вақтинчалик меҳнат фаолиятига жалб қилиш бўйича Россия Федерациясининг 26 та, Қозоғистоннинг 14 та иш берувчи корхоналари билан ҳамкорлик шартномалари, шунингдек, Россия ўрта махсус ва олий таълим муассасалари билан Ўзбекистон фуқароларига касбий таълим бериш, уни баҳолаш ҳамда рус тилига ўргатиш ишлари бўйича икки давлат ҳудудида амалга оширишга қаратилган битимлар имзоланган. Айни чоғда ижобий ишлар билан бирга меҳнат мигрантларини ҳуқуқий, моддий ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ муаммолар ҳам кўп учрамоқда. Мисол учун, иш берувчининг шартнома шартларини бажармаслиги, иш ҳақини кечиктириши ёки тўламаслиги, меҳнат ва миграция талабларига риоя қилмаслиги, солиқдан қочиш учун мигрантларни норасмий ишлатиш ҳолатлари шулар жумласидандир. Шунингдек, ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқий ҳолатига тегишли ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ бўлган тиббий хизмат кўрсатиш, пенсия ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даврларини белгилаш ҳамда молиялаштириш, мигрантларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш, маъмурий ва жиноий тартибда таъқиб этиш билан боғлиқ муаммоларнинг ҳуқуқий асоси белгиланмаган.

Депутатлар ва иштирокчилар томонидан айнан шу каби муаммоларнинг қонуний ечимига қаратилган, меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар ўртага ташланди. Хусусан, Ўзбекистоннинг меҳнат мигрантлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан халқаро шартномаларга қўшилиш масаласи илгари сурилди. Меҳнат мигрантлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида "Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонунни қабул қилишни тезлаштириш борасида фикрлар билдирилди.

Қизғин баҳс-мунозара руҳида ўтган йиғилиш якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

НАМАНГАН МАФТУНКОР БАЙРАМ ОҒУШИДА

1

Анжуманнинг асосий тадбирлари ўтадиган Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи нафосат шайдолари билан гавжум. Аввалги йили махсус композицияларни яратиш учун 4 миллион тупга яқин гул кўчатлари ўтказилган эди. Бу гал кўрсаткич 10 миллион тупдан ортди. Гулчи-тадбиркорлар, шаҳардаги корхона ва ташкилотлар томонидан ташкил қилинган гуллар кўргазмаси томошабинларни турфа чечаклар ифоридан баҳраманд этаётир. Юздан ортиқ бадиий композицияларнинг ҳар бири завқли кўриниши билан кўпчиликни ҳайратга солмоқда.

— Эшитган бошқа, кўз билан кўрган бошқа экан, — дейди Жанубий кореялик меҳмон Юн Жин Хо. — Наманган гуллари мени ҳайратга солди. Бундай экофестивалларни, билсангиз, камдан-кам мамлакатларда ўтказилади. Турфа ранг чечаклар, ямяшил майсалар ёрдамида шакллантирилган композицияларнинг ҳар бири бетакрор манзараси, ўзига хос мазмуни билан кишини мафтун этади.

Уйчининг Ёркатой қишлоғилик Абдукарим ота Қосимов 1961 йилги биринчи гул сайлида иштирок этган. Бугун унинг ишини набиралари давом эттирмоқда. Сулола давомчиси Абдураҳим Каримов ўн бир қизнинг отаси. У фарзандларининг барчасига гулчилик сирларини ўргатди.

— Одатда ота-оналар қиз узатганда қўша-қўша буюмлардан сарпо қилади, — дейди ўнинчи қиз Тоҳира. — Отамиз эса бизнинг ҳар биримизга ихчам-ихчам гулзор тўёна қилган. У асосий юмушимизга айланиб, рўзғоримизга барака киритяпти.

Бу галги фестивалда Абдураҳим отанинг қизларига гул кўргазмаси ва савдосини ташкил этиш учун алоҳида майдон ажратиб берилди. Бу ерда Тоҳира, Моҳира, Ҳамида ва қолган қизлар ихлосмандларни гуллар билан батафсил таништириб, улар парваришини ташкил этиш ҳақида зарур тушунчаларни ҳам беришяпти.

Дилрабо куй-қўшиқлар ва миллий ўйинлар намойиши тадбирга янада кўтаринкилик бағишламоқда.

Дарвоқе, байрамнинг фаол иштирокчилари, айниқса, уста гулчиларни қимматбаҳо совғалар кутмоқда. Чунончи, олий ўринни эгаллаган гулчи тадбиркор, шунингдек, корхона ва ташкилотларга бош соврин — енгил автомашина топширилади. Голиблар номинациялар бўйича ҳам тақдирланади.

Ички ва ташқи туризм ривожида муҳим аҳамият касб этадиган 60-анъанавий гул байрами тантаналари кўтаринки руҳда давом этмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ЯНГИЛИКЛАРГА БОЙ ОНЛАЙН ТАДБИР

Шу кунларда Парламентлараро Иттифоқнинг "Пандемияни бугунги кунда енгиб ўтиш ва эртанги кунни яхшироқ қуриш: парламентларнинг ўрни" мавзуига бағишланган 142-ассамблеяси онлайн бўлиб ўтмоқда. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари фаол иштирок этяпти.

Форум

Ассамблеяда дастлаб, Парламентлараро Иттифоқнинг 2020 йил молиявий ҳисоботи ва ички аудит натижалари бўйича маълумот берилди. Шундан сўнг, тузилманинг истиқболдаги тадбирлари борасида ҳисобот эшитилди.

Унга кўра, шу йилнинг ноябрь ойида ўтказилиши режалаштирилган ПИнинг 143-ассамблеясини 2022 йилга қолдиришга келишилди. Сентябрь ойида ўтказилиши режалаштирилаётган 5-Бутунжаҳон парламентлар спикерлари ҳамда аёл спикерлар конференцияси эса ўз вақтида ташкил этиладиган бўлди.

Шунингдек, халқаро анжуманда парламентарийларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг фаолияти тўғрисида ҳамда Ёш парламентарийлар форумининг ҳисоботлари эшитилди.

Парламентлараро Иттифоқнинг 142-ассамблеяси давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси яратилади

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси йиғилишида "Фазовий маълумотлар тўғрисида"ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, фазовий маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий, бошқарув ҳамда ташкилий асосни юридик мустаҳкамлаш мақсадида ушбу ҳужжат ишлаб чиқилган.

У тасдиқлангач фазовий маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш, фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини яратиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш борасидаги муносабатлар тартибга солинади.

Шундан сўнг йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йил якунлари ва 2021 йилнинг биринчи чораги якунлари юзасидан Молия вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар масъулларининг ҳисоботлари эшитилди.

Шунингдек, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва ногиронликни аниқлаш ҳамда илмий фаолиятни ривожлантириш учун кўрилаётган чоралар ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўровлари натижалари ҳам муҳокама этилди.

Муҳокамаларда тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари фаолиятини тубдан такомиллаштириш юзасидан қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари кўригидан ўтиш жараёнлари соддалаштирилганлиги қайд этилди.

Миллий илм-фан ва инновация тизимининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрнини ошириш, ҳудудларда инновация фаолиятини янада ривожлантириш, мустақил тадқиқотчи ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг мақолалари нуфузига қараб моддий рағбатлантириш тизими яхшиланганлиги айтиб ўтилди.

Ўз навбатида, сенаторлар томонидан олий таълим муассасалари ва илмий ташкилот раҳбарлари томонидан ҳар чоракда изланувчилар фаолиятини танқидий мониторинг қилиш ҳамда олий таълимдан кейинги таълимни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

Йиғилишларда муҳокама этилган масалалар юзасидан Сенат қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).

АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАРДА КОРРУПЦИЯГА ЙЎЛ ОЧУВЧИ НОРМАЛАР АНИҚЛАНДИ. ЭНДИЛИКДА...

Замон шиддат билан ривожланар экан, янгидан-янги ўзгаришлар ҳамда жамиятда яшовчи ҳар бир фуқаро билан давлат органлари ўртасида рўй берадиган муносабатлар шакли ва сони ошиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, коррупцияга қарши курашиш борасида янгича механизмларга асосланган тизимни жорий этишни тақозо қилиши аниқ.

Фикр

Шу билан бирга, коррупциянинг турли кўринишларининг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашишнинг самарали тизимини йўлга қўйишга, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг юзага келиши сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга тўсқинлик қилаётган ҳанузгача ҳал этилмаган масалалар сақланиб қолмоқда.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликка мувофиқ коррупцияга қарши курашиш фаолиятини амалга оширувчи бир нечта давлат органлари бўлиб, коррупцияга қарши курашиш улар фаолиятининг йўналишларидан бири бўлганлиги, мазкур йўналишни яхлит, тизимли мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органи мавжуд эмасди. Яъни коррупцияга қарши курашишни тўлиқ ўз зиммасига олувчи ва бу борадаги давлат сиёсатининг амалга оширилишига масъул бўлган давлат органи йўқ эди.

Президент Фармони билан ташкил қилинган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантирувчи ҳамда амалга оширувчи, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштирувчи, шунингдек, мазкур соҳада халқаро ҳамкорликка масъул махсус ваколатли давлат органи сифатида белгилаб берилиши юқорида қайд этилган муаммоларнинг бартараф қилинишида ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг тизимлаштирилиши борасида муҳим қадам бўлди.

Парламент қуйи палатаси ҳам коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида ўз олдига аниқ режалар қўйган. Хусусан, бу йўналишда, энг аввало, қонунлардаги коррупция учун имконият ҳамда шароит яратувчи нормаларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида ўтказилган таҳлилларга кўра, амалдаги қонунларда коррупцияга йўл очувчи нормалар борлиги аниқланиб, уларга барҳам бериш мақсадида таклифлар тайёрланди. Шунингдек, парламент қуйи палатаси томонидан доимий равишда назорат тадбирлари ҳам ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича тегишли вазирликлар ва давлат органлари раҳбарларининг эшитувлари ўтказилмоқда.

Жумладан, шу йилнинг апрель ойида Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Андижон вилояти қурилиш бош бошқармаси фаолиятида "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун ижроси ўрганилиши давомида бир қатор камчилик ҳамда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Масалан, ўрганишда қонунчиликдаги бўшлиқлардан фойдаланиб, жойларда қурилиш объектлари ҳеч қандай танловсиз пудратчиларга бериб юборилганлиги, натижада бундай қурилиш объектлари ўз-ўзидан ўрганиш кунига қадар Қурилиш вазирлигининг "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида акс этмаслигига ҳамда амалга оширилган қурилиш жараёнидаги кўринмас (яширин) ишларнинг қандай бажарилгани, қандай маҳсулотлар ишлатилганлиги ҳудудий назорат инспекцияси томонидан назорат ўлчовидан ўтказилмаслигига шароит яратилганлиги аниқланди.

> "Парламент қуйи палатаси ҳам коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида ўз олдига аниқ режалар қўйган. Хусусан, бу йўналишда, энг аввало, қонунлардаги коррупция учун имконият ҳамда шароит яратувчи нормаларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда."

Шу билан бирга, давлат хизмати бўйича мурожаатларни рад этишда аниқ асослантирмасдан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг айнан қайси нормаси талаби бажарилмаганлиги кўрсатилмасдан, шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидаларига "умумий ҳавола қилиш" тартибида мавҳум жавоблар берилаётгани, бу эса, ўз навбатида, жисмоний ва юридик шахсларнинг такроран мурожаат қилиши учун сунъий бюрократик тўсиқ бўлаётганлиги маълум бўлди.

Ўрганиш натижалари юзасидан Қурилиш вазирлигининг ахборот эшитилиб, аниқланган ҳолатларни бартараф этиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди ва ижроси қатъий назоратга олинди.

Умуман олганда, парламент қуйи палатаси томонидан мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг кузатувчиси эмас, балки бевосита иштирокчиси сифатида олдига қўйган мақсадга эришиш ва вазифаларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш бўйича алоҳида назорат тизими яратилган.

Даврон ОРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

АМАЛИЙ ИШЛАР, ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР – НАТИЖАГА ЭРИШИШНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Ҳисоб-китобларга кўра, бу йил мамлакатимизда сув танқислиги юзага келаётир.

Хўш, ички сув манбалари кам бўлган ҳудудларда бу табиий қийинчиликларни юмшатиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилаётир? Айни мавзу юзасидан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Рустам ҚАРШИЕВга мурожаат қилдик.

Қарор ва ижро

— Сувни тежаш, сув ресурсларини самарали бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш давлатимиз олдидаги устувор вазифалардан бирига айланган, — дейди Рустам Қаршиев. — Бунда сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, айниқса, диққатга сазовор. Чунки юқоридаги вазифалар бўйича айни шу усул орқали натижага эришиш мумкин.

Ушбу масалага Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам алоҳида тўхталиб, 2021 йилда сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонларини 5 баробарга кўпайтириш ва 430 минг гектарга етказиш, шунингдек, 200 минг гектар майдонда ерларни лазер ёрдамида текислаш вазифасини қўйган эди.

Бу ишларни амалга оширишда сув тежовчи технологияларни жорий этган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми йўлга қўйилгани ўз натижасини бермоқда. Хусусан, 2020 йил 11 декабрда қабул қилинган “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори билан давлат субсидиялари ажратишнинг янги тартиби жорий қилинди. Яъни бу йилдан субсидия миқдори сув тежовчи тизимнинг сифатидан келиб чиқиб белгиланадиган бўлди. Томчилатиб суғориш технологияси жорий этилганда ҳар гектар майдон учун пахтага 8 миллион сўм, сабзавот экинлари ҳамда картошкага 1,5 миллион сўм, полиз экинларига 1,3 миллион сўм, мевали дарахтларга 6 миллион сўм, узумга 8 миллион сўмдан субсидия ажратилади. Сифатли тизим жорий қилинганида 11 миллион сўмгача субсидия берилади. Пахта, донли экинлар, сабзавот ва картошка, полиз, озуқабоп, мойли ҳамда доривор экинлар майдонини лазерли текислаш учун 1 миллион сўмдан субсидия берилади.

Давлат қўллаб-қувватловидан руҳланган фермерлар ва кластер ташкилотларининг сув тежовчи технологияларни қўллашга бўлган қизиқиши йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Хусусан, жорий йилда 160 минг гектар пахта, 30 минг гектар боғ, 15 минг гектар узумзор ҳамда 5 минг гектар бошқа экинлар етиштириладиган далаларда томчилатиб суғориш, 14 минг гектар бошоқли дон, 2 минг гектар сабзавот ва полиз ҳамда 2 минг гектар озуқабоп экинзорларда ёмғирлатиб суғориш, 623 гектар пахта майдонларида дискретли суғориш технологияларини жорий этиш бўйича шартномалар расмийлаштирилди.

Натижада 24 май ҳолатига кўра, 184 минг 296 гектар ер учун тижорат банклари ҳамда ташаббускорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 3 триллион 630 миллиард сўм маблағ молиялаштирилди. Айни пайтда 157,2 минг гектар майдонда технологияларни қуриш ва монтаж қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2019 йилда 34,5 минг гектар далада томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган бўлиб, мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналар бармоқ билан санарли бўлганлиги учун технологияларнинг 90 фоиз ускуналари ва бутловчи қисмлари хорижий давлатлардан келтирилган эди. Шундан келиб чиқиб, ўтган йили сув тежовчи технологияларнинг асбоб-ускуналари ҳамда бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар сони 10 тага етказилди. Йил давомида 43 минг гектар ерда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган бўлса, шундан 30 фоизи, яъни 13 минг гектари маҳаллий корхоналар маҳсулотига тўғри келди.

Ушбу технологияларга талаб ортар экан, сувни тежовчи технологияларнинг ускуналари ва бутловчи қисмларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ҳам 35 тага етди. Бу жорий йилда сув тежовчи технологиялар татбиқ қилинадиган майдонларнинг 30 фоизини маҳаллий корхоналар маҳсулоти қамраб олади, деганидир.

Келгусида ана шундай корхоналар сонини 100 тага етказиб, соғлом рақобат муҳитини юзага келтириш ва сифат бочқичига катта эътибор қаратиш мўлжалланган. Натижада сувни тежовчи технологияларни маҳаллийлаштириш даражаси ошиб, маҳсулот таннархи сезиларли даражада пасаяди ҳамда бу турдаги технологиялардан фойдаланиш имкониятлари кенгаяди.

2021 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлашни 1,5 триллион сўм субсидия маблағлари, шундан 330 миллиард сўмини Давлат бюджетидан, 1 триллион 170 миллиард сўмини халқаро молия институтларидан жалб қилинган қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш белгиланган.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш эвазига йил якунига қадар суғориладиган майдоннинг 15 фоизида сув тежовчи технологиялар жорий этилади. Ва энг асосийси, сувни тежайдиган суғориш технологиялари билан таъминланган майдонларда 50 фоизгача сув иқтисод қилинади, яна бир фойдали жиҳати шуки, уларда такрорий экинлар экиш имконияти вужудга келади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

КАМТАРЛИК — СУДЬЯ АХЛОҚИНИНГ ЎЗАГИДИР

Халқимиз “Камтар бўлдинг — гавҳар бўлдинг”, деб бежиз айтмаган. Камтар инсон барчанинг бирдай ҳурмат ва иззатини жойига қўяди, шу боис ўзи ҳам доим эъзозда бўлади.

Жалолиддин Румийнинг “Агар бахт-саодат истасанг, манманликдан йироқ бўл, ҳикматли сўзларни сокинлик билан тингла, такаббурлик, адоват, гиначиликдан ҳазар қил. Қайғу-аламлар устингга ҳужум этса, бу ҳужумларга ўз адабсизлигинг сабабчидир”, деган пурҳикмат сўзлари бежиз айтилмаган.

Мушоҳада

Камтарлик судьянинг фаолияти ва шахсий ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутади. Шу боис Судьяларнинг одобахлоқ кодексида ҳам ушбу фазилатнинг муҳимлиги белгилаб қўйилган.

Мисол учун, унинг 4-моддасида судья одил судловни амалга оширишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг суд томонидан ҳимоя қилиниши суд ҳокимияти органлари фаолиятининг мазмуни ҳамда моҳияти эканлигини унутмаслиги лозимлиги, судья ҳар қандай вазиятда ўз шаъни ва қадр-қимматини сақлаши, одобахлоқ нормаларига риоя этиши, камтар, хушмуомала бўлиши ҳамда қўполликка йўл қўймаслиги, суднинг обрўсига путур етказадиган алоқалардан ўзини тийиши шартлиги белгиланган.

Кодекснинг 17-моддасида ҳам судья ўзининг ташқи кўриниши, камтарлиги ва сиполиги билан бошқаларга ўрнак бўлиши лозимлиги, эътиборни ҳаддан ташқари жалб этадиган даражада кийинмаслиги, тақинчоқлар ҳамда бошқа безаклар тақмаслиги кераклиги қайд қилинган.

Конституциямизнинг 43-моддасига мувофиқ давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш кафолатини ўз зиммасига олган.

Асосий Қонунимизда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Судьянинг ташқи кўриниши ҳам унинг ўз мажбуриятларини амалга оширишида муҳим аҳамият касб этади. Судья ташқи кўриниши, амалда кийиниш услубининг камтарлиги билан ажралиб туриши лозим. Айниқса, судья одил судловни амалга ошириш чоғида эътиборни ҳаддан ташқари жалб этадиган ва ғашга тегадиган даражада кийинмаслиги, ўзига бино қўймаслиги, тақинчоқ ҳамда бошқа безаклардан меъёрида фойдаланиши керак. Судья кийиниш одобида бошқалардан кўра дабдабали намоён бўлишдан ўзини тийиши зарур.

Демак, суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган экан, судья одил судловни амалга ошириш салоҳиятига, маънавий фазилатларга эга бўлиши лозим.

Судьялар ҳар қандай вазиятда ўз шаъни, қадр-қимматини сақлаши, ҳамиша камтар, хушмуомала бўлиши даркор. Айниқса, фуқароларда унинг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигига шубҳа туғилмаслиги зарур. Акс ҳолда, судьянинг шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрўси ҳамда суднинг нуфузига путур етиши мумкин.

2017 йилнинг 13 июнь куни Президентимизнинг судьялар билан учрашувида фуқароларнинг суд идораларида сарсон-саргардон бўлишининг олдини олиш, ишларни ўз вақтида кўрмасдан, одамларни овора қилган суд ходимларига муносиб баҳо бериш зарурлиги қатъий таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг бундан буён судьялар фаолиятига, биринчи навбатда, халқнинг ўзи баҳо беради, деган фикри судьялар ишининг ташқи тартибда, яъни жамоатчилик томонидан баҳоланишини англатади.

Судья ўз касбий фаолияти, шунингдек, хизматдан ташқари, яъни кундалик турмуши давомида ҳам одамлар эътиборида бўлади. Шу боис судья ўзи қатнашадиган ҳар қандай тадбирда юксак ахлоқий фазилатларга эгалигини кўрсатиши, ўзига нисбатан такаллуф кутиш, калондимоғлик, атрофдагиларни менсимаслик, манманлик ва шу каби бошқа салбий хусусиятлардан мутлақо йироқ бўлиши шарт.

Судьянинг одоб-ахлоқига нисбатан алоҳида талаблар қўйилиши унинг жамиятда юксак мақом эгаси, одил судловни амалга ошириш ваколати берилган шахс эканлигини билдиради. Ўз навбатида, судья ушбу юксак мақомга лойиқ бўлиши учун юқорида қайд этилган талабларга риоя қилишга мажбурдир.

“Судьяларнинг хулқ-атворига оид Бангалор принциплари”га кўра, судья ўзининг шахсий, оила аъзоларининг ёки бошқа шахсларнинг манфаатлари йўлида мансаб мавқеидан фойдаланишга ёхуд бунга имкон беришга ҳақли эмас. Яъни судья ўзи, қариндошлари ва бошқа шахслар учун бирон-бир манфаат, хизмат, тижоратга оид ёки бошқа фойда олиш мақсадида ўз мақомидан фойдаланмаслиги кераклиги белгиланган. Унинг шахсий масалалар юзасидан турли давлат органлари, жамоат бирлашмалари, муассасалар, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига мурожаат этишида ҳам шу тартиб амал қилади.

Эътибор қаратилса, БМТнинг “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари”нинг 10-бандида судья лавозимларига танланган шахслар ҳуқуқ соҳасида муайян тайёргарлик ва малака билан бирга юксак ахлоқий фазилатлар ҳамда лаёқатларга ҳам эга бўлиши кераклиги таъкидланган.

Шунингдек, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш борасида “Судьяларнинг хулқ-атворига оид Бангалор принциплари”нинг 4.2-бандида қуйидагилар қайд этилган:

“Жамоатчилик томонидан бўлган доимий эътибор судьяга ўзига бир қатор чекловларни қабул қилиш мажбуриятини юклайди ва оддий фуқароларга ушбу чекловлар бирмунча оғирлик қилишига қарамасдан, судья уларни ихтиёрийлик ва мамнуният билан қабул қилади. Хусусан, судьянинг хулқ-атвори юксак мақомли лавозимига мувофиқ бўлиши зарур”.

Мухтасар айтганда, оддийлик, камтарлик фазилати олижаноб хулқлардан бўлиб, у ўз соҳибини олий мақомга етаклайди. Шу жиҳатдан динимизда ҳам, халқаро ҳужжатларда ҳам фуқаролар, жумладан, судьялардаги ушбу хислат ҳамиша улуғланиб келади.

Сарвар СОЛИЕВ,
Тошкент туманлараро иқтисодий судининг раиси.

ЭЪЛОН

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

2020/2021 ЎҚУВ ЙИЛИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ЙЎЛЛАНМА АСОСИДА ИШГА ТАҚСИМЛАШГА КИРИШГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ушбу ўқув йилида институтда 20 та таълим йўналишида бакалавр ҳамда 14 та йўналишда магистратура мутахассислари тайёрланмоқда. Ўз соҳасида етарли билим ва кўникмаларга эга бўлган, ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган ҳамда рақобатлашадиган ёш мутахассисларга эҳтиёжи бўлган барча корхона, ташкилот ва таълим муассасалари МРДИ ректори номига талабнома хатлари билан мурожаат қилишлари мумкин. Корхонанинг мутасадди шахслари битирувчи талабалар билан учрашув ўтказишлари ҳамда тақсимот маросимларида иштирок этишлари учун барча шароит яратиб берилади. Қуйида йўналишлар бўйича битираётган малакали ёш мутахассислар ҳақидаги маълумотларни тақдим қиламиз.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй, телефонлар: 71-255-88-06, 71-255-18-33, факс: 71-255-92-18.

Т/р	Коди	Бакалавриат таълим йўналишлари	Битирувчилар сони	шу жумладан, аёллар	шу жумладан: грант	шу жумладан, аёллар	шартнома	шу жумладан, аёллар	Ҳудудлар бўйича битирувчилар сони: Наманган вилояти	шу жумладан, аёллар	Бухоро вилояти	шу жумладан, аёллар	Жиззах вилояти	шу жумладан, аёллар	Навоий вилояти	шу жумладан, аёллар	Самарқанд вилояти	шу жумладан, аёллар	Сурхондарё вилояти	шу жумладан, аёллар	Сирдарё вилояти	шу жумладан, аёллар	Фарғона вилояти	шу жумладан, аёллар	Қашқадарё вилояти	шу жумладан, аёллар	Тошкент вилояти	шу жумладан, аёллар	Хоразм вилояти	шу жумладан, аёллар	Андижон вилояти	шу жумладан, аёллар	Қорақалпоғистон Республикаси	шу жумладан, аёллар	Тошкент шаҳри	шу жумладан, аёллар
1.	5111000	Касб таълими (5150800-Рангтасвир (дастгоҳли))	12		3		9	7			2						1		1		1				1		2								4	
2.	5111000	Касб таълими (5150900-Дизайн (интерьерни лойиҳалаш))	22	13	4	3	18	10							1								3		1		3	3			2	2			12	8
3.	5111000	Касб таълими (5150900-Дизайн (либос ва газламалар))	26	25	4	4	22	22			1				1	1	1	1					1	1	5	5	2	2							15	15
4.	5150200	Санъатшунослик (тасвирий ва амалий санъат)	35	29	7	6	28	22			1	1	1	1	1	1	1		3	2			1	1	3	3	2	2	1		1				20	18
5.	5150200	Санъатшунослик: (музей иши ва маданий мерос объектларини сақлаш)	26	24	6	6	20	18			3	3	1	1	1	1	1	1							6	5	3	3							11	10
6.	5150800	Рангтасвир (дастгоҳли)	23	11	6	4	17	7					1	1	1		4	1	1		2	1			1		3	2	3	1	1	1			6	4
7.	5150800	Рангтасвир (маҳобатли)	13	6	4	2	8	4	3	1	1		1				1	1									1				1				5	4
8.	5150800	Рангтасвир (мультфильм ва компьютер мультпликацияси)	9	2	1		8	2					1								1		1				1	1					1		4	1
9.	5150800	Рангтасвир (театр безаги)	9	3	2	1	7	2							2	1									1						2		1		3	2
10.	5150800	Рангтасвир (фильмнинг тасвирий ечими)	11	3	2	1	8	1	2		2														1		1								5	3
11.	5150900	Дизайн (интерьерни лойиҳалаш)	26	18	4	3	22	15															1		3	2									22	16
12.	5150900	Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)	17	5	3	2	14	3	1				1												2		3		1		2				7	5
13.	5150900	Дизайн (либос ва газламалар)	42	42	5	4	37	37	2	2	1	1	2	2	3	3			1	1	1	1	3	3	2	2	3	3	1	1	1	1			22	22
14.	5150900	Дизайн (реклама ва амалий графика)	13	9	3	3	10	6	1										2	1					2	1					1	1			7	6
15.	5151000	Графика (дастгоҳ ва китоб графикаси)	15	12	3	2	12	10															2		1	1	2	2	1	1	1				8	8
16.	5151000	Графика (хаттотлик ва миниатюра)	9	5	2	1	1	4	3		1	1			1	1							2	2	1				1	1						
17.	5151100	Ҳайкалтарошлик (бадиий)	16	5	4		12	5			1				1	1							1		2		3	1			2				6	3
18.	5151200	Амалий санъат (амалий санъат асарларини таъмирлаш)	9	7	1	1	7	6									1		1		1	1	1	1			1	1							4	4
19.	5151200	Амалий санъат (бадиий кулолчилик)	7	5	2	1	5	4																			1	1			3	1			3	3
20.	5151200	Амалий санъат (меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш)	5	2	1		5	3																	1		1	1							3	1
		Жами	345	226	67	44	270	188	12	3	13	6	8	5	12	9	10	4	9	4	6	3	16	8	33	19	32	22	8	4	17	6	2		167	133

Т/р	Коди	Магистратура мутахассисликлари номи	Битирувчилар сони	шу жумладан, аёллар	шу жумладан: грант	шу жумладан, аёллар	шартнома	шу жумладан, аёллар	Ҳудудлар бўйича битирувчилар сони: Наманган вилояти	шу жумладан, аёллар	Бухоро вилояти	шу жумладан, аёллар	Жиззах вилояти	шу жумладан, аёллар	Навоий вилояти	шу жумладан, аёллар	Самарқанд вилояти	шу жумладан, аёллар	Сурхондарё вилояти	шу жумладан, аёллар	Сирдарё вилояти	шу жумладан, аёллар	Фарғона вилояти	шу жумладан, аёллар	Қашқадарё вилояти	шу жумладан, аёллар	Тошкент вилояти	шу жумладан, аёллар	Хоразм вилояти	шу жумладан, аёллар	Андижон вилояти	шу жумладан, аёллар	Қорақалпоғистон Республикаси	шу жумладан, аёллар	Тошкент шаҳри	шу жумладан, аёллар
1.	5А150801	Рангтасвир: дастгоҳли рангтасвир	5		1		4																2												1	
2.	5А150203	Санъат назарияси ва тарихи (турлари бўйича)	6	4	1	1	5	3									1	1											2						5	3
3.	5А150204	Музейшунослик: тарихий-маданий объектларни консервация қилиш	3	1	1		2	1							1														1						1	1
4.	5А150802	Кино ва телефильмнинг тасвирий ечими	2	2	1	1	1	1			1	1																							1	1
5.	5А150803	Мультфильм ва компьютер мультипликацияси	7	3	1		6	3											1	1	1	1	1		1						1		1	1	1	
6.	5А150901	Дизайн: интерьерни лойиҳалаш	9	5			9	5	2																		1	1							6	4
7.	5А151004	Компьютер графикаси ва бадиий сурат	3	2	1		2	2															1				1	1							1	1
8.	5А125201	Тасвирий ва амалий безак санъати	3				3										1						1						1						1	
9.	5А151202	Санъат асарлари ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш	8	2	2		6	2															1		2										5	2
10.	5А151101	Ҳайкалтарошлик (турлари бўйича)	3		1		2		1								1		1		1															
11.	5А151001	Дастгоҳ ва китоб графикаси	3	2	1		2	2																					1						2	2
12.	5А151203	Бадиий кулолчилик	3		1		2		1								1																		1	
13.	5А150801	Рангтасвир: маҳобатли рангтасвир	4	1			4	1	1																1		1								1	1
14.	5А151003	Амалий графика	3	1	1	1	2																		1		1								1	1
		Жами	62	23	12	3	50	20	5		1	1			1		4	1	2	1	2	1	6		5		4	2	5		1		1	1	27	16

ВАТАНПАРВАР АВЛОДНИ ҚАНДАЙ ТАРБИЯЛАЙМИЗ?

Ҳозирги кунда ҳақиқий маънодаги ватанпарвар авлодни тарбиялаш долзарб масалалардан бири. Бинобарин, мамлакатимиз тараққиётини, халқимизни янада жипслаштирган учинчи Ренессансни эл-юртимизни юракдан севган, унинг тақдирини ўз тақдири деб билган фидойи инсонларгина таъминлай олади.

Мулоҳаза

Аслида, Ватанга юксак муҳаббат аждодларимиздан бизга мерос туйғу. Афсоналарга айланиб кетган Широқ, Тўмарис, Спитамен каби шахслар юртимизни ҳимоя қилиш, уни душмандан кўз қорачиғидек асраш учун бор куч ва имкониятини сафарбар этган, бу йўлда молию жонини, шаънини, ҳаёти ҳамда оиласини ҳам аямаган. Шу боис бундай инсонларнинг буюк хизматлари тарих зарварақларида ўчмас из қолдирган.

Кейинчалик, мўғуллар босқини даврида Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби халқ қаҳрамонлари Ватан ҳимоясига отланиб, ўзларидан бир неча баробар катта қўшинга қарши мардонавор жанг қилган, мислсиз жасорат кўрсатган. Нафақат саркардалар, балки Нажмиддин Кубродек ўз даврининг дин пешволари, тариқат шайхлари душманга қарши чиқиб, халқнинг ҳам мамлакат ҳимоясига сафарбар бўлишида катта ҳисса қўшган. Ҳатто Чингизхон Нажмиддин Кубронинг ёши улуғлиги, эл ичидаги ҳурмати, етук шайхлигини инобатга олиб, унга зарар етказмасликни таклиф қилсада, у зот рози бўлмаган ва “Ё Ватан, ё шарафли ўлим!” шиорини баланд тутиб, душман қўшини билан сўнгги қони қолгунча курашган. Бу жонфидоликлар бесамар кетмай, келгуси авлоднинг ватанпарварлик руҳида вояга етишида муҳим аҳамият касб этган.

Динимизда ватанпарварлик олий қадрият сифатида қаралади. Жумладан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам: *“Қасамки, Сен (Макка) Аллоҳ таолонинг энг яхши ерисан ва Аллоҳ таолонинг заминида Аллоҳга энг севимлисисан. Сенинг аҳлинг мени сиқиб чиқармаганида, асло чиқиб кетмас эдим”, дедилар”* (Имом Термизий ривояти).

Ҳадиси шарифда баён қилинганидек, Ватан Аллоҳ таоло томонидан инсониятга берилган улкан неъмат, илоҳий муҳаббат туйғусидир. Унинг қадрини бирор моддий бойлик билан ўлчаб бўлмайди. Эл-юрт тараққиёти, ҳимояси йўлида нафақат молу давлат, балки жон ҳам фидо қилинади.

Ватанга муҳаббат Аллоҳ таоло томонидан инсоният фитратига солиб қўйилгандир. Шу маънода, инсон ўз туғилган гўшасини севиши, уни обод этиши ҳамда кўз-қорачиғидек асраши, ҳимоя қилиши ҳам муқаддас ва шарафли бурчдир.

Ислом илмларининг пешвоси ва йирик имоми Иброҳим Адҳам ўз ибодатларини тартибга солишда нафси билан курашгани, бироқ нафсининг Ватанга талпинишига чора топа олмаганини таъкидлайди. У Маккада истиқомат қилиб юрган кезларида ўзи туғилиб ўсган Бағдодга қайтишдан ўзга илож топа олмаганини тан олиб: *“Ватандан ажралишдан кўра бирор нарсани тарк қилишга қийналмаганман”*, дейди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалламга илк бор ваҳий нозил бўлган кезлари Хадича онамиз бу ҳодисадан ажабланиб, хавотирланиб, уларни замонасининг олим кишиси Варақа ибн Навфал олдига олиб боради. Шунда Варақа ибн Навфал бу муборак зотга пайғамбарлик миссияси келганлигини, мазкур йўл анчайин машаққатли бўлишини, ҳатто одамлар у кишини Маккадан чиқариб юборишлари мумкинлигини ҳам айтади. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом қаттиқ изтироб чекадилар. Ушбу мисолдан ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам ўз Ватани — Макка шаҳрига нақадар муҳаббатли эканликларини кўришимиз мумкин.

Халқимизда “Ватанни севмоқ имондандир”, деган нақл бор. Ушбу ҳикмат мазмунидан ҳар бир инсоннинг ўз туғилган юртини севиши, уни ардоқлаши юксак мақомга эга эканлигини англаш мумкин.

Бутун мусулмон оламини илму маърифати билан мунаввар этган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Лайс Самарқандий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий, Қаффол Шоший каби буюк аждодларимиз ҳам Ватанга бўлган кучли муҳаббатлари туфайли ўзларининг тахаллусларини киндик қони тўкилган юрт номи билан боғлагани ҳам ана шундай эътироф ва эътиборнинг ўзига хос ҳаётий ифодасидир.

Хўш, ҳозирги кунда бу анъаналарни давом эттириш, халқимиз, айниқса, ёшларимизни ватанпарварлик ҳамда миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш учун нима қилмоқ керак? Бу эзгу ва масъулиятли ишда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, ёшлар — жамият эртаси. Шу боис келажагимиз ворисларини Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашга ҳар бир инсон ўзини масъул, деб ҳисоблаши керак. “Бир болага етти маҳалла — ота-она” деган элимизнинг азалий нақли чин маънода ҳаётга кўчиши шарт.

Иккинчидан, оиладаги муҳит фарзандлар тарбиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Инчунин, ҳар бир хонадонда мамлакат шаъни, ғурурини англатувчи тимсоллар, давлат рамзлари, миллий бойликларимиз воситасида шундай бир муҳит яратилиши зарурки, уларни кўриб, ҳис қилиб улғайган авлод шу юрт фарзанди эканидан фахрлансин. Унинг бир бўлаги эканидан ифтихор туйсин.

Учинчидан, ёшларда китобхонлик кўникмаларини шакллантириш лозим. Чунки адабиёт ўқувчига ҳаётни ўргатиб қолмай, унга қалбида ватанпарварлик, юртсеварлик, миллий ғурур, адолат, садоқат, халқпарварлик туйғуларини тарбиялайди. Бунинг учун, аввало, ҳар бир оилага кишига зиё улашувчи газета-журналлар кириб бориши мақсадга мувофиқ. Оила кутубхонасининг ташкил этилиши болани китобга қизиқтиришда энг яхши йўлдир.

Тўртинчидан, оила даврасида, таълим муассасаларидаги маънавият соатларида аждодларимиз, хусусан, юртимиздан етишиб чиққан мутафаккир алломаларимизнинг бебаҳо ва бой илмий-маънавий мероси билан ёшларни мунтазам таништириб бориш зарур. Аждодларимизнинг жаҳон цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган сермаҳсул илм уммонидан ёш авлодни баҳраманд этиш уларнинг дунёқараши кенгайиши, миллий ғурури юксалиши, маънавий етук инсон бўлиб улғайишида муҳим воситадир.

Бешинчидан, ёшларни илм-маърифатли қилиб вояга етказиш билан бирга, бирор касб-ҳунарга ўргатиш керак. Фарзандларимиз эл қорига яраса, жамиятга фойдаси тегса, унинг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшса, Ватан тақдирига дахлдорликни ҳис қилади.

Олтинчидан, бугунги кунда ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишнинг бирдан-бир йўли замонавий илмларни эгаллаш жараёнида ёшларимизнинг пешқадам бўлишидир. Шу боис навқирон авлод вакилларини мамлакатимизда илм олиш учун яратиб берилган шарт-шароитлар ва кенг имкониятлардан тўлақонли фойдаланишга ундаш кўзлаган мақсадларимизга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, ҳар томонлама билимли, ҳур фикрли, маънавияти бой авлод Ватанни кўз қорачиғидек асрайди, унинг истиқболи учун борини бахш этади.

Ихтиёр АБДУРАҲМОНОВ,
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази бош илмий ходими.

ЯНГИ ЛОЙИҲА

Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи давомида берган топшириғига асосан, “UzAuto Motors” АЖнинг Хоразм филиалида “Дамас” ва “Лабо” автомобиллари учун штампланган деталларни ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди.

Қулайлик

Лойиҳанинг умумий қиймати 48 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, жумладан, жиҳоз ҳамда ускуналар 34,4 миллион, қурилиш-монтаж ишлари 13,1 миллион ва бошқа харажатлар 0,5 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Мажмуа жами 10 минг 368 квадрат метр майдонга жойлашган бўлиб, пресслаш, пайвандлаш ва техник хизмат кўрсатиш цехларини ўз ичига олади. Жиҳоз ҳамда ускуналар Германия, Австрия, Туркия, Жанубий Корея ва Хитойда ишлаб чиқарилган. Пресслаш цехида 250 тоннадан 1200 тоннагача бўлган жами 30 дона штамплаш дастгоҳи, пайвандлаш цехида портатив, юқори қувватли, карбонат ангидрид газида пайвандлайдиган жами 167 та пайвандлаш қурилмаси ўрнатилди.

Лойиҳани амалга ошириш ҳисобига “Дамас” ва “Лабо” автомобилларининг импорт бўлиб келаётган 266 турдаги штампланган бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Натижада ҳар йили қўшимча 40 миллион АҚШ долларилик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бюджетга қўшимча 12 миллиард сўмдан ортиқ солиқ тушумлари келиб тушади, 210 та янги иш ўрни яратилади.

Одилбек ОДАМБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

НОДИР АСАР ТАРЖИМА ҚИЛИНДИ

Амир Темур шахсияти, у тузган буюк салтанат барча даврда олиму фузалолар, шоиру ёзувчиларнинг эътиборини ўзига тортиб келган. Соҳибқирон ҳақида кўплаб асарлар яратилган — ҳаёти, фаолияти тадқиқ қилинган.

Тадқиқот

Буни қарангки, улуғ аждодимиз тўғрисида ёзилган асарлар орасида кўпчиликка номаълум бўлган китоблар ҳам йўқ эмас экан. XV-XVI асрларда яшаб ижод этган, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийнинг замондоши Абдуллоҳ Ҳотифий қаламига мансуб “Темурномаи манзума” (“Назмий Темурнома”) асари шулар жумласидан.

Бухоро давлат университети доценти, манбашунос олим Абдураҳим Болтаев шу нодир манбани аниқлаб, илк бор унга жамоатчилик, тарих ихлосмандлари эътиборини қаратди.

— Абдуллоҳ Ҳотифий 1454 — 1521 йилларда яшаб ўтган ижодкор, — дейди Абдураҳим Болтаев. — У Эронда темурийлар даврининг ниҳояси, сафавийлар давлатининг авж палласида яшаб ижод қилган. Маълумотларга қараганда, Ҳотифий Абдураҳмон Жомийга қариндош бўлган. “Темурномаи манзума” назмий асар бўлиб, у нафақат бадиий, балки тарихий аҳамиятга ҳам эга саналади. Чунки муаллиф темурийзода Ҳусайн Бойқаро давлатининг гуллаб-яшнашидан тортиб то инқирозга юз тутишигача кечган жараёндан яхши хабардор бўлган.

Яқинда манбашунос олим Абдураҳим Болтаев раҳбарлигида Мир Араб олий мадрасаси мутахассисларидан иборат гуруҳ ушбу ноёб асарни форс тилидан насрий таржима қилди. У китоб ҳолида чоп этилгач, халқимиз маънавий хазинаси Амир Темур ҳақидаги яна бир асар билан бойиди.

— Ўтган йили “Бухоро — Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилинганидан яхши хабардорсиз, — дейди Бухоро давлат университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор О. Ҳамидов. — Шу муносабат билан университетимиз манбашунос олимлари халқимизнинг бой маданий-илмий меросини ўзида ифода этган ўнга яқин қўлёзма асарларни таржима қилдилар. Мазкур асар таржимаси ҳам шу хайрли ишларнинг узвий давомидир.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ МАЪМУРИЯТИ

2020/2021 ўқув йилида битирувчиларни иш жойларига тақсимлаш бўйича ҳамкорликка таклиф этади.
Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича тамомлайдиган битирувчилар тўғрисида маълумот

Т/р	Шифри	Бакалавр таълим йўналишлари номи	Битирувчиларнинг умумий сони	шу жумладан		Ҳудудлар бўйича битирувчилар сони																											
				грант	шартнома	Андижон вилояти		Бухоро вилояти		Навоий вилояти		Наманган вилояти		Самарқанд вилояти		Қашқадарё вилояти		Тошкент вилояти		Сурхондарё вилояти		Фарғона вилояти		Сирдарё вилояти		Жиззах вилояти		Хоразм вилояти		Тошкент шаҳри		Ҳорижий давлатлар	
						грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома
1.	5510400	Стоматология	376	53	323	1	8		3		4	3	5	2	7	5	26	5	37		5	3	19		5		5	4	13	30	173		13
	Жами:		376	53	323	1	8		3		4	3	5	2	7	5	26	5	37		5	3	19		5		5	4	13	30	173		13

Т/р	Магистратура мутахассисликлари номи	Битирувчиларнинг умумий сони	шу жумладан		Ҳудудлар бўйича битирувчилар сони																															
			грант	шартнома	Андижон вилояти		Бухоро вилояти		Навоий вилояти		Наманган вилояти		Самарқанд вилояти		Қашқадарё вилояти		Тошкент вилояти		Сурхондарё вилояти		Фарғона вилояти		Сирдарё вилояти		Жиззах вилояти		Хоразм вилояти		Тошкент шаҳри		Қорақалпоғистон Республикаси		Ҳорижий давлатлар	
					грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома
1.	Болалар терапевтик стоматологияси	7	2	5												1						1						2	1	2				
2.	Болалар жарроҳлик стоматологияси	5	1	4											1			1						1				1		1				
3.	Ортодонтия	9	2	7						1								1				1							2	4				
4.	Ортопедик стоматология	9		9								1		1				1												5		1		
5.	Терапевтик стоматология	6		6														1										1		4				
6.	Хирургик стоматология	7		7																										7				
7.	Юз-жағ хирургияси	2		2																1		1												
8.	Юз-жағ жарроҳлиги	5		5												2														3				
9.	Жарроҳлик стоматологияси	2		2														1														1		
	Жами:	52	5	47						1		1		1	1	3		5		1		3		1				4	3	26		2		

Клиник ординатура

Т/р	Таълим йўналишлари номи	Битирувчиларнинг умумий сони	шу жумладан		Ҳудудлар бўйича битирувчилар сони																															
			грант	шартнома	Қорақалпоғистон Республикаси		Бухоро вилояти		Навоий вилояти		Самарқанд вилояти		Қашқадарё вилояти		Тошкент вилояти		Сурхондарё вилояти		Фарғона вилояти		Сирдарё вилояти		Жиззах вилояти		Хоразм вилояти		Андижон вилояти		Наманган вилояти		Тошкент шаҳри		Ҳорижий давлатлар	
					грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома
1.	Болалар хирургик стоматологияси	10	2	8		1				1	1			1	1	1				1										1		2		
2.	Болалар терапевтик стоматологияси	13	3	10		1				1				1	1	1		1		1		1	1	1							1	2		
3.	Дентал имплантология	16		16		2								2		2		2		1		1				2						4		
4.	Дерматовенерология	7		7										1																		5		1
5.	Ортодонтия	24	2	22							1	1		2		1				1						2		1			1	13		1
6.	Ортопедик стоматология	21	2	19		3				1		1		1	1	2				1										1	1	9		
7.	Пародонтология	7		7										1				1														5		
8.	Терапевтик стоматология	20	2	18				1				1		1		1	1					1				1		2			1	10		
9.	Хирургик стоматология	23		23		2				1		1		2		1		1								3						12		
10.	Оториноларингология	12		12						1		1		1		2		1		1												5		
11.	Офтальмология	10		10		1				2				1		1		1														4		
12.	Терапия (ички касалликлар)	1		1		1																												
13.	Умумий хирургия	1		1																1														
14.	Эндокринология	1		1																												1		
	Жами:	166	11	155		11		1		7	2	5		14	3	12	1	7		7		3	1	1		8		3		2	4	72		2

Манзил: Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Телефон: 71-230-20-73

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 26 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6